

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари,
Харид комиссияси раиси
Ж.Ходжаев



“Беш ташаббус олимпиадаси”нинг тарғибот материалларини
тайёрлаш юзасидан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ҲУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

Xia

I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Энг яхши таклифларни танлаш предмети.

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси (бундан буён матнда харид комиссия деб юритилади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

Энг яхши таклифларни танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари куйидагилар:

“Беш ташаббус олимпиадаси”нинг тарғибот материалларини тайёрлаш юзасидан иштирокчилар орасидан энг яхши таклифларни танлаш кўзда тутилган.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг максимал нархи: ҚҚС билан 1 170 000 000 (бир миллиард бир юз етмиш миллион) сўм.

Маҳсулот (иш, хизмат) энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажариш шарт.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва бажариш муддати: **2022 йил 30 июлгача.**

2. Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар.

“Беш ташаббус олимпиадаси”нинг тарғибот материалларини тайёрлаш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари (кейинги ўринларда матнда – Танлаш ҳужжатлари) талаблари асосида ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги;

Манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Навоий 11а

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Ишлар бошқармаси бошлиғи М.Табибуллаев;

Тел.: (99) 110-86-86

3. Харид комиссиясининг вазифалари:

харид қилиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танлашни ўтказиш, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлашни натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки танлашни амалга ошмаган деб топади.

Танлашнинг ташкилотчиси – Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига куйидагилар қиради:

Танлаш ҳужжатларини ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.etender.uzex.uz порталида эълон беради;

- танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда харид комиссиясининг вазифалари:

- иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини, таклифларни сифат ва нарх нуқтаи назаридан ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

- давлат ижтимоий буюртмаси асосида энг яхши сифат ва нарх таклифини аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Иштирокчи – Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва бажаришда энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Иштирокчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган талаблари

5.1. Иштирокчи таклифда қатнашиш учун e-tender.uzex.uz сайтида жойлаштирилган эълон белгиланган тартибда электрон шаклда таклиф бериш орқали иштирок этади.

Иштирокчи ташаббуси билан бошқа ҳужжатлар (сертификатлар, ўтказилган текширишлар бўйича маълумотлар ва шу кабилар) ҳам тақдим қилиниши мумкин.

5.2. Танлашга қуйидаги иштирокчилар қўйилмайди:

– шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

– шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

– солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд бўлган;

– инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

– ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд бўлган;

– имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошқор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлмаган;

– аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган.

5.3. Харид комиссияси иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;

унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида Агентлик томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилларининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.

Харид комиссиясининг иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги ҳисоботга киритилади.

6. Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-қондасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Харид комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлаш ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлаш иштирокчи унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Иштирокчиларнинг таклифлари танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

7.3. Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун харид комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин.

8.2. Харид комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча иштирокчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 2 кун олдин харид комиссиясининг қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилишга ҳақлидир.

III. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танлашда қатнашиш ҳаражатлари

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта – сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи таклифга барча ҳаражатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танлашда қўлланиладиган тил

11.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланади.

12. Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Талабгорнинг танлашда қатнашиш бўйича аризасини қабул қилишда автоматик

равишда унинг танлаш таклифлари тўғри тўлдирилгани текширилади.

Танлаш таклифларини мезонлар бўйича баҳолашда танлашда қатнашиш шартларига риоя этилиши, танлаш шартларида кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги текширилади.

Талабгор томонидан тақдим этилган танлаш таклифлари тўғри тўлдирилмагани ёки талабларга риоя этилмагани аризани қабул қилишни рад этиш учун асос ҳисобланади. Бу ҳақда унинг шахсий кабинетига электрон хабар юборилади.

13. Муқобил таклифлари

13.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (иш, тхизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

IV. ТАНЛАШ ТАКЛИФНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

14. Танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

14.1. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифларини мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

14.2. Иштирокчининг танлаш таклифи, танлаш очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини саклаши лозим.

14.3. Айрим ҳолларда харид комиссияси танлаш иштирокчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

V. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ГОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

15. Танлаш таклифларини баҳолаш ва голибларни аниқлаш

15.1. Харид комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш харид комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

15.2. Танлаш таклифларини баҳолаш бир босқичдан иборат бўлиб, Танлаш ҳужжатларининг V-бобига мувофиқ иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

15.3. Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси голиб деб топилади.

15.4. Танлашда голибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади.

15.5. Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

15.6. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

15.7. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

15.8. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

15.9. Танлаш таклифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

15.10. Якун чиқариш ва танлашнинг голиби тўғрисидаги қарор харид комиссияси томонидан қабул қилинади. Голибни танлашда харид комиссияси аъзоларининг яқка тартибдаги ҳулосасига асосланилади. Қарор харид комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Харид комиссиялари аъзоларида иштирокчилар билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

15.11. Харид комиссияси танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлаш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

15.12. Харид комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган иштирокчилар томонидан такдим этилган (берилган) хар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва харид комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

15.13. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

15.14. Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари:

Т/р	Мезонлар	Баҳолаш	Изоҳ
Ботни яратиш бўйича баҳолаш мезони			
1.	Ботни яратиш бўйича иш тажрибаси мавжудлиги, шунингдек ходимлари мавжудлиги ва ботни тайёрлаш бўйича малакаси етарлилиги	максимал 5 балл	Техник жihatдан малака даражасининг мавжуд бўлиши лозим.
2.	Бот фаолиятини техник қўллаб-қувватлаб туриш давомийлиги, шунингдек республикадаги мавжуд 9349 та маҳаллаларни ботга киритиш имконияти	максимал 6 балл	Техник қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш ва давомийлиги лозим.
3.	Бот фаолиятига турли техник ва идеологик ўзгартиш киритиш давомийлиги	максимал 5 балл	Ботга турли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим.
4.	Бот орқали рўйхатдан ўтган иштирокчилар маълумотларини сақлаш кафолати ва давомийлиги	максимал 6 балл	Олимпиададан рўйхатдан ўтган ёшларнинг маълумотлари базада сақланиши ва давомийлиги
Сайт яратиш бўйича баҳолаш мезони			
5.	Сайтни яратиш бўйича иш тажрибаси мавжудлиги, сайтни аналогича яратилганлиги, шунингдек ходимлари мавжудлиги ва сайтни тайёрлаш бўйича малакаси етарлилиги	максимал 5 балл	Техник жihatдан малака даражасининг мавжуд бўлиши лозим.
6.	Сайт фаолиятини техник қўллаб-қувватлаб туриш давомийлиги, шунингдек республикадаги мавжуд 9349 та маҳаллаларни ботга киритиш имконияти	максимал 5 балл	Техник қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш ва давомийлиги лозим.
7.	Сайт фаолиятига турли техник ва идеологик ўзгартиш киритиш давомийлиги	максимал 5 балл	Сайтга турли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим.
8.	Сайт орқали рўйхатдан ўтган иштирокчилар маълумотларини сақлаш кафолати ва давомийлиги	максимал 5 балл	Сайтда олимпиададан рўйхатдан ўтган ёшларнинг маълумотлари базада сақланиши ва давомийлиги кўрсатилиши лозим.
9.	Сайтнинг дизайн ва турли ўзгартиришлар киритиш давомийлиги, шунингдек сайт орқали телеграмдаги ботга уланиш функциясини яратилганлиги	максимал 5 балл	Сайт дизайни ёшларнинг кайфияти, жараёнлар ва шу билан бирга сайт орқали телеграмдаги ботга уланиш функцияси киритилган бўлиши лозим.
Дизайн бўйича баҳолаш мезони			
10.	Дизайнни яратиш бўйича иш тажрибаси мавжудлиги, дизайнлар аналогича яратилганлиги, шунингдек ходимлари мавжудлиги ва сайтни	максимал 5 балл	Дизайнни яратиш жihatдан малака даражасининг мавжуд бўлиши лозим.

	тайёрлаш бўйича малакаси етарлилиги		
11.	Олимпиада идеологиясидан келиб чиқиб стилистикаси ва дизайн бўйича турли вариантлар бериш	максимал 5 балл	Дизайларда умумий ёшларнинг қайфияти, жараёнлар ва шу билан стилистикасининг идеологияси очиб берилиши лозим.
12.	Олимпиада давомида барча режалаштирилмаган, қўшимча анимацияларни, стилистика асосида турли вариантлар бериш	максимал 5 балл	Олимпиада давомида дизайн ишларида қўшимча анимациялар, стилистикалар бўйича вариантлар бериш лозим.
ОАВ ва блогерлар орқали ёритиш бўйича баҳолаш мезони			
13.	Блогерлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганлиги	максимал 5 балл	Блогерлар билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиши лозим.
14.	Навбатдан ташқари блогерлар ва ОАВда ёртиш имконияти мавжудлиги	максимал 5 балл	Олимпиада доирасидаги лойиҳаларнинг тарғиботини навбатдан ташқари блогерлар ва ОАВда ёртиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.
Видеороликларни тасвирга олиш бўйича баҳолаш мезони			
15.	Видеороликларни яратиш бўйича иш тажрибаси мавжудлиги, видеороликларни аналогли яратилганлиги, шунингдек ходимлари мавжудлиги ва сайтни тайёрлаш бўйича малакаси етарлилиги	максимал 5 балл	Видеороликларни яратиш жихатдан малака даражасининг мавжуд бўлиши лозим.
16.	Машхур ва таникли блогер ҳамда санъат вакиллари билан ҳамкорликни йўлга қўйганлиги ва видеоролик жараёнларига жалб этиш	максимал 5 балл	Машхур ва таникли блогер ҳамда санъат вакиллари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиши лозим. Шунингдек уларни видеоролик жараёнларга жалб этиши лозим.
17.	Видеороликлар гоёси ва стилистикаси давомида 3D анимацияларидан фойдаланиш малакаси	максимал 5 балл	Видеороликларга гоёси ва стилистикаси давомида 3D анимацияларидан кенг фойдаланиш лозим.
Жами максимал балл		87 балл	

15.16. Минимал ўтиш балли **45 балл** деб белгилансин.

16. Таклифларнинг мос келмаслиги

16.1. Танлаш ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда харид комиссияси:

иштирокчига танлаш таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, маҳсулот (иш, хизмат) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, маҳсулот (иш, хизмат) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин.

Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

16.2. Агарда иштирокчи хатоларни тўғриладан бош тортса, унинг танлаш таклифи харид комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

16.3. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

16.4. Танлаш куйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса;
барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;
барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча иштирокчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса;

танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олинмаган бўлса.

16.5. Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

17. Шартномани расмийлаштириш

17.1. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

17.2. Танлашда ғолиб чиққан иштирокчи буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш ғолиби – таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича танлашда шартномани бажариш бўйича энг яхши таклиф билдирган иштирокчи.

Захирадаги ғолиб – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган энг яхши таклиф қилган иштирокчи.

17.3. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг www.etender.uzex.uz махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

17.4. Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

17.5. Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

18. Шартномани имзолаш

18.1. Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

18.2. Ғолиб деб топилган иштирокчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги иштирокчи билан шартнома имзоланади.

18.3. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.